

**ЭШҚОБИЛ ШУКУР ШЕЪРИЯТИДА БАДИЙ ОБРАЗ ТАКОМИЛИ****Эргашева Садоқат**

ТошДЎТАУ таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6639452>

**Аннотация.** Ушбу мақолада Эшқобил Шукур шеъриятида қўлланган бадий образлар шоирнинг “Чанқовуз”, “Кўпкари” шеърлари мисолида таҳлилга тортилган. Мақола давомида насрий образлар ва шеърий образлар ўртасидаги семантик чегараларнинг моҳиятига алоҳида тўхталиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** насрий образ, шеърий образ, шеърий матн, метро-ритмик меъёр, контекст, бадий образ.

**THE IMPROVEMENT OF ARTISTIC IMAGE IN ESHQABIL SHUKUR'S POETRY**

**Abstract.** In this article, the artistic images used in the poetry of Eshqobil Shukur are analyzed on the example of the poet's poems "Chanqovuz", "Kupkari". The essence of the semantic boundaries between prose images and poetic images is highlighted throughout the article.

**Keywords:** prose image, poetic image, poetic text, metro-rhythmic norm, context, artistic image.

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗА В ПОЭЗИИ ЭШКАБИЛЯ ШУКУРА**

**Аннотация.** В данной статье анализируются художественные образы, использованные в поэзии Эшқобиля Шукра, на примере стихотворений поэта «Чанковуз», «Купкари». На протяжении всей статьи освещается сущность смысловых границ между прозаическими образами и поэтическими образами.

**Ключевые слова:** прозаический образ, поэтический образ, поэтический текст, метроритмическая норма, контекст, художественный образ.

**КИРИШ**

Шеъриятнинг асосий хусусиятларидан бири образлиқдир. Шеърий асарлар шунчаки маълумот берибгина қолмай, инсон хотирасида воқеялик суратини чизади ва ўқувчи тасавурида маънолар, ассоциатив боғланишлар ва таққослашларни уйғотади, нарсани ва ҳодисалар ҳақида янги тасаввур ҳосил қилади. “Бадий образ” атамасига бағишланган кўплаб тадқиқотлар мавжуд бўлсада, насрий образлар ва шеърий образлар ўртасидаги семантик чегараларнинг моҳияти етарлича очиқ берилмаган.

**ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Шундай экан, бу икки турдаги образни бир-биридан фарқлаш зарурати сезилади. Бизнингча, бу икки атома ўртасидаги фарқни белгиловчи асос шеърий матннинг ўзига хос табиатидан келиб чиқади. Шеърий матн тил тизимида белгиланган қоидаларга бўйсунгани, лекин қўшимча равишда унга қўшимча чекловлар қўйилади: метро-ритмик меъёрларга риоя қилиш талаби, қофия, фонологик, лексик, шунингдек, ғоявий ва композицион даражаларда ташкил этиш. Иккинчиси шеърнинг яна бир хусусияти: сиз билганингиздек, насрий шеъриятдан ажратишга ёндашувлар одатда фонетик ва графикага бўлинади. Ю.В. Казарин шеърий матннинг 10 та асосий сифатини ажратиш кўрсатди: тўлиқлик (формал,

семантик ва бошқалар), маданий контекстдан ажралмаслик, индивидуаллик, изчиллик ва тузилиш, оптималлик, регенеративлик, очиқлик ва қатъийлик. Шундай қилиб, фақат яхлит шеърый матн шеърый реноминация жараёнида реноминант ҳисобланади. Учинчиси фақат шеърый образнинг бадиий образдан фарқли ўлароқ, нутқ даражасининг исталган элементи, шунингдек, ўзига хос эстетик таъсирга эга бўлган ҳар қандай расмий хусусиятга эга бўлган унсурлар орқали амалга оширилиши ва “мустаҳкамланиши” мумкинлигини билдиради. Шеърыйта мазмун билан ажралмас бирликни ташкил етувчи асар тузилишини семантика эгаллаши мумкин. Берилган нарсада фикрнинг тузилишга муносабатидаги муҳим элементларнинг кўпайишининг асосий сабабидир.

Юқорида таъкидланганидек, эстетик таъсирнинг шаклланишида шеърый асарнинг ўзига хос унсурлари муҳим рол ўйнайди: шеърнинг луғавий мазмуни ҳам, шаклий элементлари ҳам лирик асарнинг образлилиги устида ишлайди. Шеърыйтадаги образлилиқ ўзига хос табиати билан энг кучли эстетик, ҳиссий ва руҳий таъсирга эга. Лирик образларнинг ўзига хос хусусиятлари ва бадииятини истъодли шоир Эшқобил Шукур шеърлари мисолида кўриб ўтамиз. Шоир шеърыйтада образлар ранг- баранглигини кузатамиз. У гоҳ дарахт гоҳ майса, гул бўлиб, гоҳида эса хуркак оҳу ва йиртқиқ йўлбарс, беозор қушлар, куйловчи- йиғлоқ тошлар ҳамда гуллаётган най садолари бўлиб, шеърга руҳ олиб киради. Ўша руҳ – образ демакдир.

Бадиий образ борлиқнинг санъаткор кўзи билан кўрилган ва идеал асосида ижодий қайта ишланган акси тушунилади. Шоир шеърыйтининг образлар тизимида кўпроқ халқона руҳ устивор эканини сезамиз. Биргина “Чанқовуз” номли шеърига асос қилиб олинган чанқовуз образи замирида шоир ижодий кечинмаларининг ифодасини кўришимиз мумкин. Чанқовуз – миллий чолғу асбобларимиздан бири бўлиб, у оғиз бўшлиғига қўйилиб, нафас ҳаракатлари билан чертиб чалинадиган соз. Чанқовузни кўпинча момоларимиз, қизларимиз чалишган. Бу сознинг наволари дашт оҳанглари сўзга солиб, юракларни сеҳрлайди.

#### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Шоирнинг “Чанқовуз” номли шеърини таҳлил қилар эканмиз, аждодларимиз қадим руҳиятининг кўҳна сирдоши чанқовуз бўлганидан огоҳ бўламиз. Бу шеър тарихига назар солсак, халқимизнинг озодликка, мустақилликка ташна руҳининг ифодасини кўрамиз:

“Тилим тийилди менинг, сўзим қийилди менинг  
Пўлат тил топиб олдим, ҳаво сўз топиб олдим  
Чанқовуз чанқаб қолди –  
Кўз ёшга чайқаб олдим”

XX асрдаги тарихимизга назар солар эканмиз, мустабидликнинг халқимиз дилидаги гапларини тилига чиқара олмаганлигини “Тили боғлик, дили доғлик” бўлиб ўксиганини яхши англаймиз. Шоир шу ўксик нолаларга кулоқ тутган, дардчил бу руҳга айтмоқ учун “пўлат тил” топганидан севинади. Айтмоқ керакки, бу тимсол шеърыйтимизга ўзига хос поэтик топилма бўлиб, айни пайтда шоир кечинмаларининг образли ифодаси ҳамдир. Яъни шоир топмиш “пўлат тил”, “ҳаво сўз” халқ дилида асрлар оша яшаб келаётган орзу – эрк, озодлик қайғуси демак:

Чанқовуз чанқаб қолди-

Кўз ёшига чайқаб олдим.

Эрка чанқоқлик, уни қумсаш, соғиниш, кутиш, халқларни, одамларни ўзига оханграбодек тортиб туради. Шу маънода чанқовуз халқ дардини куйловчи тимсол – овоздир.

Чанқовуз оғзим менинг,

Чарнаган ўзим менинг

Қалбнинг ёруғ қаридай

Синмас тил топиб олдим.

Озодлик аталмиш муқаддас каломни айтмоқ бўлиб, “Чанқаган, чарнаган вужуд” энди асло завол билмас – қалбнинг ёруғ қаридан синмас тил топиб олди.

Чанқовуз чанқаб қолди –

Дардимга чайқаб олдим.

Шоир халқ қалбини вайрон этмиш ёв туфайли “Қорачақмоқ чўқлаб бағрим ўйилди” менинг дея бонг уради.

Афсус, “Тилим тийилди менинг, сўзини қийилди менинг”. Аммо мен шунда “Пўлат тил топиб олдим, ҳаво сўз топиб олдим” дейди.

Чанқовуз чанқаб қолди –

Оловга чайқаб олдим.

Дардчил қалбнинг ҳарорати оловдек тафтли чанқовузни – пўлат тилини унга чайқаб олган лирик қаҳрамон энди шу дардни ёниб куйламоқ истагини билдиради. Чин маънода ҳам шоир – элнинг дардини куйлагувчидир...

### **МУҲОКАМА**

Шеърда шоир услубининг раволиги, халқ тилига яқин ифода, образлилик бўй кўрсатади.

Мисоллар қатига яширган қалб кечинмаларида халққа яқинлик кўриниб турибди. “Чарнаган ўзим менинг” сатридаги “чарнаган” сўзининг луғавий маъносига эътибор қилинса, у куйиш ҳолатини ёдга солади. Яъни сўзини айтолмаган инсон ҳолатининг – тасвирининг ташбеҳидир.

Шоирнинг ушбу шеърида унинг чуқур фалсафий маъноси, моҳияти билан бирга шоир услуби ва маҳоратини, айтиш жоиз бўлса, жасоратни кўрамиз. Эшқобил Шукур шеърятининг образлар чизиғига назар солар эканмиз, ҳаёт тимсолига айланган юрак, рух, қалб тасвирида ижодкор кайфиятининг образли талқини сифатида намоён бўлади. Дарҳақиқат ҳаёт – инсонга берилган олий неъматидир. Бу ҳаётнинг паст-баланд, шод ва ғамли, узун-қисқа умр йўлларини инсон муҳим фазилат саналмиш сабр билан бирма-бир, топиш ва йўқотишлар ила босиб ўтади. Юрак деб аталмиш инсон вужудининг бир бўлаги муштдеккина бўлса-да, ўз ҳажмидан қанчалар катта танани ҳаёт қуввати билан таъминлайди. Яна қанчадан-қанча қувонч, шодлик, ғам ва қайғуни ўзига ҳамроҳ билади. Шундай бўлса-да, у матонатли, сабрли ва қанотли бўлиб қолаверади. Шоирнинг “Ҳасратли хужрамда” сатрлари билан бошланадиган шеърида дунё ташвишларидан бешиб, қайғули юраги билан сирлашган лирик қаҳрамон кечинмалари шундай ифода топади:

Ҳасратли хужрамда

Қайғудан бўлак

Ҳамма кетиб бўлди бирма-бир  
Дастурхонда фақат кемтилган юрак  
ва бир коса сабр...

Шоир дардли, қоронғу, ҳасратга тўлган юрагини, кичкинагина эскирган, хувуллаб қолган бир хужрага қиёслаб унда қайғудан бўлак ҳеч бир илинж, умид йўқлигини айтмоқда. Ёзиқли дастурхонда “егулик – кемтилган юрак” ва “ичмоқли” бир коса сабрдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Шоирнинг бори-йўғи юрак – сабр эканлигига ишора этмоқда.

Ҳасратли хужрамда  
Зилзила тинди...  
Анграйган эшикни ёпиб қўяман  
Юракнинг қолганинг ейман-да энди.  
Бир коса сабрни ичиб қўяман.

Йиллар ўтиб инсон қайғу-ғамларини унитаети, оз бўлса-да ҳаёт ташвишларига шўнғиб қалбдаги ҳасратларини ювмоқчи бўлади. Яраланган, кемтилган юракни тикламоқчи бўлади. Шундай инсон ўз ички “мен”и билан куришади. Бу дард билан олишувда сабр ирода унга зирхли қалқон вазифасини бажаради. Шоир шеърнинг охирида эса қайғуни ёлғиз қолдиради.

Ҳасратли хужрамда  
Дунё ҳам, мен ҳам.  
Бир-бировдан тўйдик ноилож...  
Фақат қайғу очда,  
Қайғу жуда оч!

Энди шоирнинг қалби ёлғизликдан тўйгани, дунё ташвишлари уни чорлаётгани, оч қайғудан бўлак ҳамроҳи қолмаганлигини таъкидлайди.

Шеърда, асосан, хурлик, инсон қалбининг озодлиги, ҳаётга интилиш ғояси илгари сурилган, унда инсон то тирик экан, дардга бўйин эгмасликка чорлов бор.

Шоир шеърятда табиат ҳодисалари, жониворлар ҳаётдан олинган, ўқувчида лирик кайфият ҳосил қилувчи топилмалар ҳам кўп. От тимсолида лирик қаҳрамон кечинмаларининг ботиний курашлари ҳаёт воқеалари асосида тасвирланади. Таъкидлаш жоизки, туркий халқлар ҳаётида от – инсоннинг дўсти ҳамроҳи, яқин сирдоши саналган. От билан боғлиқ ривоят ва афсоналар кўп бўлиб, халқ дostonларида от воқеалари тасвирига ҳам кенг ўрин берилган.

Эшқобил Шукурнинг “Кўпқари” номли шеърини ўқиганимизда, миллий анъаналаримиз, халқ ўйинлари, кураш-кўпқари баҳсларида юрган бир чавандоз ва унинг ҳамроҳи – оти билан боғлиқ воқея тасвири кўз олдимизда жонланади:

”Хайт!”- деди, улоқ кетди,  
Улоқда товоқ кетди.  
Ногаҳон эл гуруллар,  
Ер ойнадай зириллар  
Отларга қолди майдон.

Чавандоз отга “хайт!” дея қамчи солди. От пойгага қўшилди. Унгача элнинг танти баковули улоқ кўпқари мусобақаси учун қўйилган совринни – “товоқ” ни эълон

қилган, унинг белгиси сифатида ўртага улоқ ташланган эди. Бу завқли томошага йиғилган халқ узоқ кутилган лаҳзаларда ҳаяжонини яширолмай оёққа қалқди, ”гур” этиб овоз берди. Адирда отлардан чанг-тўзон кўтарилди. Туёқлар зарбидан ер зириллайди. Бу майдон энди ёлғиз отларга, уларнинг беллашув майдонига айланди.

Сулув –сулув ёллари

Сув ўтидай чайқалди

Ёпинчиғин гуллари

Ёр юзидай сайқалли.

Ҳар бир отнинг ўз ишқибози бор, уни муносиб чавандоз чопса айни муддао. Отни куни-тун парвариш этган ғамхўри ёллари ни силаб, эртанги бўладиган кўпкарида уялтирмаслигини сўрайди. Қаранг от кўпкарида шамолдай учиб бораётир, унинг сулув-сулув ёллари сув ўтидай чайқалмоқда. Ёпинчиғининг гуллари эса ёрининг юзидай ёниқ-сайқалли...

Ярақлаган яғрингда

Семиз қирлар харсиллар,

Туёқларинг тиғида

Қора чакмоқ чирсиллар

От яғрининг бақувватлиги унинг кучга тўлганлигининг бир белгиси. Унинг ўктам ҳаракатидан ҳатто баланд-паст ”семиз” қирлар ҳарсиллаб толиқмоқда. Туёқларининг тиғдай учида ”қора чакмоқ чирсиллаб” кўпкаридаги пойга жадал олмақда.

”Хайт!”- деди, улоқ кетди,

Ўртада табоқ кетди.

Чангақдай кўли билан

Куч чангаллар чавандоз

Отининг ёли билан

Чангни чалар чавандоз.

Чавандозлар отларини ниқтайди, кураш авж паллага чиқмоқда. Ҳар бир чавандоз пойгада рақибига чап бериб совринга эга бўлмоқчи. Ўртага қўйилган соврин – табоқ эр йигитнинг муносиб улуши, ўлжасидир. Пойгани эл ҳайрат ва катта ҳаяжон билан кузатиб турибди. Ҳаммага завқ берадиган ”хайт!” демиш хитоблар отларни ҳам бирдек ҳаяжонга солмоқда. Мард ўғлон ёлғиз шу ўлжани олмоқ учун бақувват кўллари билан ўлжасига чанг солган ва улоқни айирган. Энди керакли нуқтага улоқни етказмоғи лозим. Мана, чавандоз отини рақибларидан фарқли масофада ортда қолдириб кетмоқда. Отининг сулув ёллари ҳаводаги чангни соз каби чалиб садо бермоқда. Бу садо тулпорнинг шиддат овози.

Қора-қора комати

Қорайиб кўринади,

Лекин чавандоз оти

Кўзларда сурилади.

Ногаҳон эл гуриллар

Ер ойнадай зириллар.

Пойгани бошида кетаётган тулпорнинг “қора-қора қомати” секин-аста кўринмай узоқлашди. Туйкус, мохир чавандознинг оти одамлар нигоҳида суринади. Мисрага диққат қилинса, шеърдаги “Кўзларда суринади” сатридаги поэтик топилма орқали халқ тилида “Кўз-сух” деб аталмиш ҳодисага ишора этилади. Яъни кўз қарашидаги “суқланиш” – салбий ҳолат ифодасидир. Одамлар кўз ўнгида бўлган воқеадан одамлар оёққа қалқди. Чунки бу ҳол кутилмаган, ҳозиргина унинг ҳаракатларидан эл завқланаётган эди.

Музлаб қолди саратон  
 Куёш қорга ботади  
 Ичдан йиғлар чопоғон  
 Оти ўлиб ётади  
 “Воҳ!” – деди, улоқ кетди  
 Қош ила қабоқ кетди.  
 Чавандознинг кўнглидан  
 Шом ила Ироқ кетди.

Саратоннинг жазирамасида одамларнинг юраги муздай. Оташин куёш ҳам қорга ботди. Чавандоз ичидан сел бўлиб йиғлапти. Воқеадан тош қотган, ҳайрон, чунки қаршисида оти – ҳамроҳи жон таслим этиб ётарди. “Воҳ!” деди, ўртанди-ёнди, аммо унинг дардли овозини ҳеч ким эшитмаётганди. Чавандознинг ҳоли ахволи юзида, қош-қовоғида зуҳр топди. Чавандознинг юзидан ранг кетган, кўнглидан эса бутун бори – дунёси “Шом ила Ироқ” кетаётганди...

Бирдан кун қолди қариб,  
 Қил сиғмайди кўнгилга  
 Отнинг ғамин кўтариб  
 Отсиз қайтар овулга

Чавандоз назарида вақт йўққа айланди, у нималар бўлаётганини тушунолмас, ёлғиз кўз олдида отининг сиймоси, ундан бўлак кўнгилда, хотирда ҳеч нарса йўқ. У овулига кўпқаридан шу алфозда “отининг ғамини кўтариб” қайтаётган – отсиз қайтаётганди.

Ўтдай ёнган дарага  
 Ўзин ташлаган кўнглим  
 Гуруллаган даврада  
 Улоқ тишлаган кўнглим.

Ҳа, улоқчи- чавандоз овулининг ори-номуси учун пойгага тушган, ўтдай ёнаётган бу майдонга, қураш майдонига ўзини ташлаган эди. Унинг ҳам кўнглида туккан ниятлари, тилаклари бор эди!

Энди ғамли эрига  
 Сўз айтмасдан ботиниб  
 Олти ой аза тутар  
 Чавандознинг хотини

Отга чавандоз қатори бутун эл ачинди. Энди бу вақтда сўз очиб бўлмади чавандозга. Ҳатто унинг аёли ҳам бунга журъат этолмайди. Отга худди инсонга мотам тутгани каби олти ой унга аза тутди чавандознинг хотини.

Шеър сюжети халқона тасвир, ифодавийликка эга. Айна дамда халқ кадриятлари, маросим ва урф одатларининг уйғунлиги шеър композициясидан ўрин олганки, муаллиф воқеа тасвирини чизишда улардан унумли фойдаланган. Отни муқаддас билган халқимизнинг ҳайвонот олами билан боғлиқ қарашлари шеърнинг мазмунига сингдирилган.

### **ХУЛОСА**

Эшқобил Шукур шеърларини мутолаа қилиш чоғида сўзни тушуниш ва ҳис қилиш фарқли экани аёнлаша боради. Чунки унинг шеърлари ҳаётнинг турли ҳодисалари тўғрисида янгича тушунча бериш баробарида кишида маълум туйғулар уйғотади. Аксарият шоирларнинг шеърларида муайян фикр чиройли шаклда баён этилади. Одам уларни ўқиганида аввал эътибор қилмаган ҳодисаларини билиб олади. Аммо шеърнинг таъсири шу билан тугайди. Чунки фақат мантиққа асосланган шеърларда сўзлар бир маънони аңлатади. Ақл топган мантиқ юрак ёғдусига йўғрилган шеърларда эса аксинча. Бундай шеърлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста: структура стиха. – СПб.: 1996. – 252 с
2. Казарин Ю.В. Поэтический текст как система: Монография. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 1999. - 260 с.
3. Д.Қуронов ва б. Адабиётшунослик луғати. Т, Академнашр. 2010. –Б 44.
4. Эшқобил Шукур. Ҳамал айвони. Т, Шарқ, 2002. –Б 22